“ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИХТИСОСЛАШУВИ” ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

Бозоров Анвар Бозор ўғли
Қарши халқаро университети ўқитувчиси
Тел: +99899 669-66-67
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20094737

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон ҳудудларининг иқтисодий ихтисослашуви, унинг шаклланиш омиллари ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Мамлакатнинг турли минтақалари табиий ресурслар, меҳнат салоҳияти, инфратузилма ва геоиқтисодий ўрни жиҳатидан фарқ қилгани сабабли ҳар бир ҳудуд ўзига хос иқтисодий йўналишга эга бўлиб бормоқда. Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражасида номутаносибликлар, иш ўринлари тақсимотидаги фарқлар ҳамда инвестицияларнинг нотенг жойлашуви каби муаммолар мавжуд.

Мақолада ушбу муаммоларни бартараф этишга қаратилган асосий йўналишлар сифатида ҳудудий инфратузилмани ривожлантириш, саноатни диверсификация қилиш, эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини ошириш ҳамда инвестицион муҳитни яхшилаш каби ечимлар таклиф этилган. Шунингдек, ҳудудлар иқтисодий ихтисослашувини чуқурлаштириш орқали мамлакат иқтисодий ўсишини мувозанатли таъминлаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ҳудудий иқтисодиёт, иқтисодий ихтисослашув, минтақавий ривожланиш, саноатлашув, инвестициялар, инфратузилма, эркин иқтисодий зона, иқтисодий номутаносиблик, иқтисодий сиёсат.

"ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СПЕЦИАЛИЗАЦИЯ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА" ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация: В данной статье анализируется экономическая специализация регионов Узбекистана, факторы ее формирования и существующие проблемы. Поскольку различные регионы страны различаются по природным ресурсам, трудовому потенциалу, инфраструктуре и геоэкономическому положению, каждый регион приобретает своеобразную экономическую направленность. Вместе с тем существуют такие проблемы, как диспропорции в уровне экономического развития между регионами, различия в распределении рабочих мест и неравномерное размещение инвестиций.

В статье предлагаются такие решения, как развитие региональной инфраструктуры, диверсификация промышленности, повышение эффективности свободных экономических зон и улучшение инвестиционного климата, как основные направления, направленные на устранение этих проблем. Также рассмотрены возможности обеспечения сбалансированного экономического роста страны путем углубления экономической специализации регионов.

Ключевые слова: Узбекистан, региональная экономика, экономическая специализация, региональное развитие, индустриализация, инвестиции, инфраструктура, свободная экономическая зона, экономический дисбаланс, экономическая политика.

"ECONOMIC SPECIALIZATION OF REGIONS OF UZBEKISTAN" PROBLEMS AND SOLUTIONS

Annotation : This article analyzes the economic specialization of Uzbekistan's regions, the factors behind its formation, and existing problems. Since the country's various regions differ in their natural resources, labor potential, infrastructure, and geoeconomic position, each region acquires a unique economic orientation. At the same time, there are problems such as disparities in the level of economic development between regions, differences in the distribution of jobs, and uneven placement of investments.

The article proposes solutions such as regional infrastructure development, industrial diversification, increasing the efficiency of free economic zones, and improving the investment climate as the main directions aimed at eliminating these problems. Opportunities for ensuring the country's balanced economic growth through deepening the economic specialization of regions were also considered.

Key words: Uzbekistan, regional economy, economic specialization, regional development, industrialization, investment, infrastructure, free economic zone, economic imbalance, economic policy.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018- йил 21-декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5600- сонли фармонида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарининг маъмурий кенгашлари ваколатларини кенгайтириш орқали уларнинг фаолиятини бошқариш механизмини соддалаштириш, ҳар бир ҳудудни иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда саноат хабига айлантириш вазиффалари юклатилган. [1].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳудудларнинг иқтисодий ихтисослашувини илмий таҳлил қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Гамидуллаева Л. А., Ворновская А. Аларнинг хулосасига кўра, “2007-2009 йилларда Европа давлатлари томонидан йирик халқаро корпорацияларнинг маблағларини мамлакатлар ичидаги тадқиқотларга жалб этишни назарда тутувчи "ақлли ихтисослашув" концепцияси ишлаб чиқилди. Европа Иттифоқининг ҳудудларни ихтисослаштиришнинг янги, юқори салоҳиятга эга йўналишлари, самарадорликнинг ўсишини таъминлаши орқали иқтисодиётини ривожлантириш ва Европа минтақаларининг янги рақобатбардош устунликларини шакллантиришни мақсад қилганлар [2].

Ҳақиқатдан ҳам, ҳудудларни иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш бутун дунё мамлакатлари томонидан доимий равишда амалга ошириб борилади. Ўзбекистон Республикаси минтақавий иқтисодиётида ҳам "ақлли ихтисослашув" концепциясини жорий этиш мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодиё кучидан тўғри фойдаланиш ва иқтисодиё самарадорлик ортишига хизмат қилади.

С.Растворцева в Лю.Зиларнинг олиб борган тадқиқотларига кўра, ишлаб чиқариш концепциясига мувофиқ минтақавий ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик каби кўрсаткичлар, хусусан концентрация (локаллашув) коэффициенти, ҳудудда тармоқнинг ривожланиш даражаси, ихтисослашув даражаси индекси ва бошқалар ёрдамида аниқланади [3].

Бироқ ушбу ёндашувларнинг муайян камчиликлари мавжуд: ишлаб чиқариш концепцияси фақат саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичлари билан чекланиб, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини инобатга олмайди; чиқариш концепцияси эса асосан маҳсулотни ташқи ҳудудларга чиқариш ва экспорт қилиш билан чекланади.

Ушбу икки концепцияни бирлаштириш орқали ҳудудий макон ихтисослашувини аниқлаш минтақавий мактаб вакилларига ҳудудлар ихтисослашуви ҳақида янада ишончли тасаввур олиш имконини берди ҳамда иқтисодий фаолият турларини “ихтисослашган тармоқлар, ривожланган (хизмат кўрсатувчи) тармоқлар, юқори товарли (етарлича ривожланмаган) тармоқлар ва ҳудудий тармоқлар”га ажратиш имконини яратди.

Е. Кутсенко ва Я. Еферина: кластер таҳлили ва концентрация асосида муаллифлар минтақанинг тўртта хусусиятини ажратиб кўрсатадилар: "агломератция," "диверсификация," "ихтисослашув," "дифференциация". Ушбу усул муаллифларга минтақада янги ихтисослашув тармоқларини шакллантириш ва жойлаштириш имкониятини баҳолаш имконини беради. [4].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кенг инвестиция жараёнлари ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизда бўлаётган валюта эркинликлари, хорижлик инвесторларга яратилаётган кенг имкониятлар уларнинг хажмини оширмоқда. Ушбу молиялаштиришлар янада самарали бўлиши мақсадида, ҳукумат томонидан ҳар бир минтақани иқтисодий салоҳияти ўрганилган ҳолда, шунга мос эркин иқтисодий зонага айлантирилмоқда.

Ҳудудларни иқтисодий мослигини аниқлашда аввало унинг логистика салоҳияти, ишчи кучи етарлилиги, урбанизация даражаси ва йирик ишлаб чиқариш фабрикалари мавжуд эканлиги ҳисобга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ ИХТИСОСЛАШУВИ

№	Вилоят	Асосий ихтисослашув йўналишлари	Етакчи тармоқлар	Асосий маҳсулотлар / салоҳият
1	Андижон вилояти	Енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати	Тўқимачилик, трикотаж, полиграфия, мева-сабзавот етиштириш	Пахта, сабзавот, мева, тўқимачилик маҳсулотлари
2	Бухоро вилояти	Газ-кимё, энергетика, туризм, қурилиш материаллари	Нефт-газ, кимё саноати, цемент, туризм	Газ, кимёвий маҳсулотлар, цемент, қурилиш материаллари
3	Жиззах вилояти	Саноат, кимё, электротехника, қишлоқ хўжалиги	Электротехника, кимё, цемент, озиқ-овқат саноати	Кимёвий маҳсулотлар, электротехника, дон, пахта
4	Қашқадарё вилояти	Кончилик, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги	Нефт-газ, кончилик, энергетика, озиқ-овқат саноати	Нефт, газ, мис, фосфорит, пахта, ғалла
5	Навоий вилояти	Кончилик, металлургия, энергетика, кимё	Олтин, уран қазиб олиш, металлургия, кимё саноати	Олтин, уран, кислота, кимёвий маҳсулотлар
6	Наманган вилояти	Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги	Тўқимачилик, чарм-пойабзал, мева-сабзавот етиштириш	Пахта, ип-калава, пойабзал, мева, сабзавот
7	Самарқанд вилояти	Туризм, хизматлар, қишлоқ хўжалиги, виноградарчилик	Туризм, озиқ-овқат саноати, виноградарчилик, ҳунармандчилик	Узум, вино, мева, сабзавот, туристик хизматлар
8	Сирдарё вилояти	Кимё, энергетика, қишлоқ хўжалиги	Кимё саноати, энергетика, пахта етиштириш	Кимёвий маҳсулотлар, пахта, дон
9	Сурхондарё вилояти	Қишлоқ хўжалиги, кончилик, энергетика, туризм	Кончилик, мева-сабзавот етиштириш, туризм	Олтин, рангли металлар, мева, сабзавот, туристик хизматлар
10	Тошкент вилояти	Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, логистика	Қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати, логистика	Қурилиш материаллари, озиқ-овқат, транспорт-логистика
11	Фарғона вилояти	Тўқимачилик, автомобил саноати, қишлоқ хўжалиги	Тўқимачилик, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати	Пахта, ип-калава, автомобил эҳтиёт қисмлари, мева
12	Хоразм вилояти	Қишлоқ хўжалиги, туризм, хизматлар	Мева-сабзавот етиштириш, туризм, ҳунармандчилик	Ғалла, пахта, мева, сабзавот, туристик хизматлар
13	Тошкент шаҳри	Хизматлар, молия, IT, савдо, таълим	Молия, IT, савдо, консалтинг, таълим, стартаплар	Молиявий хизматлар, IT хизматлари, савдо, таълим
14	Қорақалпогистон Респ.	Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, кончилик, туризм	Балиқчилик, туз саноати, кончилик, экотуризм	Балиқ, туз, газ-кимё хомашёси, туризм

Изоҳ: *Ихтисослашув йўналишлари вилоятларнинг табиий ресурслари, иқтисодий салоҳияти ва мавжуд инфраструктураси асосида шакллантирилган.*

ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИ SWOT ТАҲЛИЛИ

S — КУЧЛИ ТОМОНЛАР
- Бой табиий ресурслар ва хомашё базаси
- Қишлоқ хўжалиги учун қулай иқлим ва ер ресурслари
- Меҳнат ресурсларининг кўплиги ва ёшлиги
- Стратегик географик жойлашув (транспорт ва транзит имкониятлари)
- Сўнгги йилларда инфратузилма ва саноатнинг ривожланиши
- Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва имтиёзлар

W — ЗАИФ ТОМОНЛАР
- Айрим ҳудудларда саноатлаштириш даражаси паст
- Инфратузилманинг айрим жойларда етарли эмаслиги
- Логистика ва ички транспорт харажатларининг юқорилиги
- Малакали кадрлар ва замонавий технологияларнинг етишмаслиги
- Сув ресурсларидан фойдаланишда самарадорлик пастлиги
- Ҳудудлар ўртасида иқтисодий ривожланишда тафовут

O — ИМКОНИЯТЛАР
- Саноат ва хизматлар соҳасини диверсификация қилиш
- Экспорт салоҳиятини ошириш (тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, металлургия ва бошқалар)
- Туризм ва екотуризмни ривожлантириш
- "Яшил иқтисодиёт" ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш
- Хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш
- Ҳудудлараро кооперация ва кластерларни кенгайтириш

T — ТАҲДИДЛАР
- Глобал иқтисодий беқарорлик ва ташқи бозор хавфлари
- Иқлим ўзгариши ва сув танқислиги
- Хомашё нархларининг ўзгарувчанлиги
- Рақобатнинг кучайиши (халқаро ва ички бозорлар)
- Экологик муаммолар ва атроф-муҳит ифлосланиши
- Геосиёсий хавфлар ва минтақавий нотинчликлар

1-расм. Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг ихтисослашганлик даражаси ва SWOT таҳлили [1]

1-расм маълумотларидан яққол кўрингайким, Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг ихтисослашув даражаси кенг тармоқли бўлиб, бу янада кўпроқ инвесторларни жалб этиш имкониятини беради ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги жиҳатидан ижобий ҳолат саналади.

1-расм маълумотларида шуни кўриш мумкинки, мамлакат вилоятларининг SWOT таҳлили ўтказилганда қўйидагилар кучли томонлар сифатида эътироф этилган:

* Бой табиий ресурслар ва хомашё базаси;
* Меҳнат ресурсларининг кўплиги;
* Стратегик географик жойлашув;
*Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг яхши шаклланганлиги.

Шунинг билан бир қаторда бир нечта тахдидлар ҳам келтириб ўтилган. Улар қуйидагилар:

* Глобал иқтисодий нобарқарорлик ва ташқи бозор хавфлари;
* Иқлим ўзгариши ва сув танқислиги;
* Экологик муаммолар ва бошқалар.

1-жадвал.

Ҳудудлар кесимида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби, фоизда
(2025-йил апрель

[1] Расм Давлат статистика қўмитасининг stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ҳоалтига)[2]

	Жами инвестициялар, млрд сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича, жамига нисбатан % да:						
		Республика бюджети	Корхона ва ташкилот	Аҳоли	Хорижий инвестиция ва кредит	Сув билан таъминлаш ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари
Ўзбекистон Республикаси[1]	**120 409,8**	**2,4**	**17,0**	**7,0**	**71,0**	**0,1**	**0,2**	**2,3**
Қорақалпоғистон Республикаси	5 560,1	2,3	10,1	6,9	73,3	0,2	-	7,2
вилоятлар:								
Андижон	7 284,9	2,2	11,9	5,1	78,9	-	0,5	1,4
Бухоро	8 819,1	1,4	9,8	9,1	78,2	0,1	-	1,4
Жиззах	5 136,2	3,3	17,1	7,2	70,7	-	-	1,7
Қашқадарё	8 164,1	2,5	12,4	9,8	73,0	0,2	1,2	0,9
Навоий	8 073,3	0,9	16,1	6,8	74,5	-	-	1,7
Наманган	12 406,4	2,4	9,0	5,1	82,7	-	-	0,8
Самарқанд	10 437,2	2,4	20,0	5,2	69,4	0,4	-	2,6
Сурхондарё	6 083,1	2,6	6,0	9,8	80,3	-	-	1,3
Сирдарё	5 041,8	2,6	8,4	2,2	84,0	0,3	-	2,5
Тошкент	16 112,9	1,9	17,7	8,1	69,9	-	-	2,4
Фарғона	6 426,3	3,3	15,3	9,8	66,2	0,2	-	5,2
Хоразм	3 935,7	5,2	15,2	14,4	61,3	1,2	-	2,7
Тошкент ш.	16 874,3	3,1	38,7	4,3	50,7	-	0,3	2,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2025- йил апрель ҳолатига кўра, энг кўп асосий капиталга инвестициялар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек минтақанинг географик жиҳатдан қулай жойлашганлиги, ишчи кучининг етарлилиги ва саноат зоналарининг кўплиги билан асосланади.

Хулоса ва таклифлар

Илмий мақолани ёзиш жараёнида Ўзбекистон ҳудудларининг иқтисодий ихтисослашуви бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

* Ўзбекистон Республикаси минтақавий иқтисодиётида ҳам "ақлли ихтисослашув" концепциясини жорий этиш мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодиё кучидан тўғри фойдаланиш ва иқтисодиё самарадорлик ортишига хизмат қилади;

* ишлаб чиқариш концепциясига мувофиқ минтақавий ихтисослашув ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик каби кўрсаткичлар, хусусан концентрация (локаллашув)

[2] Жадвал Давлат статистика қўмитасининг stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган..

коэффициенти, ҳудудда тармоқнинг ривожланиш даражаси, ихтисослашув даражаси индекси ва бошқалар ёрдамида аниқланади;

Фикримизча, республикамиз ҳудудларини янада ривожлантириш ва аҳолининг турмуш тарзини янада ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қулай ҳудудида АҚШ нинг “Силикон Валлей”, Бирлашган Араб амирликларининг Дубай шаҳри каби ИТ водийларини яратиш керак ҳамда уларни юқори технология билан таъминланган, даромад солиғидан озод ҳудудга айлантириш лозим. Бунинг натижасида мамлакатимизда юқори салмоқли инновациялардан фойдаланиш ва дунё мамлакатларига номоддий маҳсулотлар экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018- йил 21-декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5600- сонли фармони//www.lex.uz.
2. Гамидуллаева Л. А., Ворновская А. А. Подход к определению «умной специализации» регионов с использованием технологии больших данных // π-Economy. – 2024. – Т. 17, № 2. – С. 67–85. – DOI: 10.18721/JE.17204.
3. Rastvortseva S. Agglomeration economics in regions: The case in the Russian industry // Regional Science Inquiry. – 2017. – Vol. 9, No. 2. – P. 45–54.
3. Lu Z., Deng X. Regional specialization: new methods of measurement and the trends in China1987–2007 // Econometrics and International Development. – 2017. – Vol. 17, Iss. 2. – P. 119–140 4.
4. Куценко Е., Еферин Я. «Водовороты» и «тихие гавани» в динамике отраслевой специализации регионов России // Форсайт. – 2019. – Т. 13, № 3. – С. 24–40.
5. www.stat.uz